

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎҚИТУВЧИ ШАХСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН КАСБИЙ ТАЛАБЛАР

Одил Алмуротович Қўйсинов

**Низомий номидаги ТДПУ “Касб таълими
методикаси” кафедраси мудири, доцент**

Таълим ва тарбия жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни жамият талабларини ўзида акс эттирувчи ижтимоий буюртма асосида ҳаётга тайёрлашдан иборат. Таълим ва тарбия жараёнида ёшлар аجدодлар томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштириши, ҳаётий тажриба асосида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, салоҳияти ва дунёқарашининг шаклланишида педагог шахси, унинг касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ёшларда давр талабидан келиб чиқувчи янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган сифатларни шакллантириши педагогик фаолият соҳасининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун аввало педагогнинг ўзида янги билим бериш, ўзгариб боровчи меҳнат ва ҳаёт шaroитларига мувофиқ ижодий фаолият билан шуғуллана олиши кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим. Шу нуқтаи-назардан республикаимиз Президенти И.А.Каримов “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириши каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим – тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо шу ерда. Ўқитувчи ўқувчиларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”¹.- деб таъкидлайди.

Шахс Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми, кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997, 7 – бет.

соҳасидаги хизматларининг истемолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида белгилаб берилган. Бу эса республикамизда шахсга йўналтирилган таълимнинг йўлга қўйилиши учун зарур асосларни яратиб берди.

Ўқитувчига қўйиладиган касбий талаблар мажмуи педагогик фаолиятга тайёрлик даражаси сифатида белгиланади. Биринчи томондан унинг таркибида психологик, психофизиологик ва жисмоний тайёргарликни, иккинчи томондан илмий-назарий ва амалий қобилиятларни касбий маҳорат асоси сифатида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кунда ўқитувчи шахсига қўйиладиган касбий талабларни уч асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин: умуминсоний хусусиятлар, ўқитувчи касбининг алоҳида жиҳатларини белгиловчи хусусиятлар, фан бўйича махсус билимлар ва кўникмалар. Психологлар касбий фаолиятни асослашда шахсининг ақли, ҳиссиёти ва иродаси синтезини ўзида акс эттирувчи педагогик қобилиятлар гуруҳига мурожаат қиладилар. Педагогик қобилиятлар қаторига дидактик, лойиҳалай олишлик, истиқболни белгилай олишлик, тезкор натижага эришишлик, коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари киради. Шунингдек, у умуминсоний хусусиятлар, маънавий-психологик, ижтимоий-психологик, индивидуал-психологик қобилиятлар, амалий билим ва кўникмалар яъни умумпедагогик (ахборот, ривожлантирувчи), умуммеҳнат (лойиҳалаш, ташкилотчилик), мустақил ташкил бўлувчи (билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш) хусусиятлар ўқитувчи шахсининг психологияси таркибида алоҳида ажралиб туриши керак.

Ўқитувчи – бу мазмуни фақатгина билимларни етказиш бўлган касб эмас, балки инсонни шахс сифатида шакллантиришдаги муҳим маъсулятли вазифани бажарувчидир. Шу билан бирга педагогик таълимнинг мақсади қуйидагиларни ўзида ифода этувчи янги типдаги ўқитувчи шахсининг ривожланиш жараёни сифатида намоён бўлиши мумкин:

- ватанпарварлик маъсулияти ва ижтимоий фаоллик;
- болаларга бўлган меҳр, уларга ўз юрагини бахшида этишга бўлган талаб ва қобилият;
- хақиқий зиёлилик, руҳий маданият, ўзгалар билан ишлашга бўлган ҳоҳиш ва қобилият;
- юқори даражадаги касбий маҳорат, янги услубдаги илмий-педагогик фикрлаш, ижодий хулосаларни қабул қилиш ва янги ғояларга тайёрлик;
- доимий равишда ўз устида ишлашга бўлган эҳтиёж ва бунга тайёрлик;
- жисмоний ва руҳий соғлиқ, касбий билимдонлик ишонч;
- касбий компетенлик даражаларини ривожлантиришга интилиш;
- индивидуал сифат ва хислатларни шакллантиришга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши ва.ҳ.

Ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи шахсининг йўналтирилганлиги муҳим ўрин тутди. Бу борада ўқитувчи шахсининг ижтимоий-ахлоқий, касбий-педагогик ва илмий йўналтирилганлигини ифодаловчи хусусиятларни кўриб чиқиш мумкин.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган касбий талабалар касбий-педагогик йўналтирилганлик алоҳида ўрин эгаллайди. У ўзида ўқитувчи шахсининг асосий касбий хусусиятларини мужассам этади.

Ўқитувчи шахсининг касбий йўналишлари ўқитувчилик касбига бўлган қизиқиш, педагогик истеъдод, касбий педагогик иштиёқ кабиларни ўз ичига олади. Ўқитувчилик касбига бўлган қизиқиш педагогик йўналтирилганликнинг асоси ҳисобланилади, у педагогик фаолиятга, болаларга, ота-оналарга булган ижобий муносабатда, ҳамда педагогик билимларни эгаллашга бўлган интилишда ўз аксини топади. Педагогик истеъдод эса педагогик қизиқишдан фарқли равишда педагогик ишга бўлган қобилиятдан шаклланувчи иштиёқни англатади. Истеъдод мавжуд ёки мавжуд эмаслигини бўлажак ўқитувчини ўқув ёки реал касбий фаолиятга

жалб қилиш орқали аниқлаш мумкин. Танланган фаолиятга бўлган истеъдод шахс ривожланиш жараёнининг муҳим омили бўлиб, шахсда ўқитувчилик фаолиятига яроқли эканлигига ишонч уйғотади.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчи касбий маҳорати назарий ва амалий педагогик тажриба тўпланиши натижасида шаклланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, махсус тайёргарликни ўташ вақтидаги камчиликлар бўлажак ўқитувчини касбий фаолиятга лаёқатсиз деб топишга сабаб бўла олмайди.

Педагогик истеъдоднинг асосини болаларга бўлган меҳр ташкил қилади. Бу хусусият мукамалликка элтувчи ва педагогнинг ривожланишидаги муҳим аҳамиятга эга хусусият ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий бурч ва мажбуриятни ҳис этган ҳолда ҳамкасблари, ота-онаси ва болалар билан ўзаро муносабати педагогик одобнинг асоси ҳисобланади.

Педагогик одоб кўп жиҳатдан педагогнинг шахсий хусусиятлари яъни дунёқараши, маданияти, иродаси ва касбий маҳоратига боғлиқ. Педагогик одоб ўқувчилар ва ўқитувчи орасида ишончли муносабатларнинг вужудга келишида асос бўлиб хизмат қилади. Педагогик одоб ўқитувчининг эътибор ва адолатлилик муҳим бўлган назорат ва баҳолаш фаолиятида яққол намоён бўлади.

Замонавий ўқитувчи ўзи таълим бераётган турли соҳаларга оид фан имкониятлари ва асосларини яхши билиши лозим. Лекин бу камлик қилади. У доимий равишда илм соҳасидаги янгиликлар, кашфиётлар ҳамда фаннинг келгуси истиқболларидан хабардор бўлиши керак.

Билимга йўналтирилганликнинг умумий хусусияти илмий-педагогик тафаккур маданияти ҳисобланади. Педагогик муҳитга диалектик қараш ўқитувчига шу муҳитни келажак ва ўтмишнинг кураши оқибатида вужудга

келувчи ривожланиш жараёни сифатида қабул қилишга ва ушбу жараёнга самарали таъсир этишга имконият яратади.

Замонавий педагог шахси модели ва уни амалга ошириш механизмлари

Шахсга йўналтирилган ўқитиш аввало таълимнинг парадигмасини ўзгартиради. Шу пайтга қадар мавжуд таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, айни пайтда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик – ўқишга ўргатишга йўналтирилган. Замонавий педагог кадрлар янги мавқега эга бўлиб, унинг вазифаси энг аввало ёшларни мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этишга, билимларни мустақил эгаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Педагог бундай мақсадларда, ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаш керакки, улар ёшларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан мустақил эгаллашлари, ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва эришилган билимларни янги билимлар олишларида фойдаланиш малакаларига эга бўлишлари лозим.

Кадрлар тайёрлашга ижтимоий буюртма, мутахассиснинг шахсий ва касбий сифатлари ҳамда амалий касбий компетентлигини таъминлашнинг таркиби ва мазмуни таҳлил қилган ҳолда замонавий педагогни шакллантиришга қўйиладиган талаблар, ҳамда ушбу талабларни тузилмасини акс эттирувчи модель ишлаб чиқилди. Бунда биз педагог шахсини амалий касбий компетентликка эга, юксак даражада маданиятли, ёндаш фанлар соҳаларини таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш методларини пухта эгаллаган ва мутахассислиги бўйича амалий фаолият юритадиган, махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассис сифатида тавсифладик.

Замонавий педагог шахси модели таълим тизимини модернизациялаш ва тараққий эттириш борасида юзага келадиган вазифаларнинг

муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда мутахассиснинг ўз-ўзини ривожлантириб боришини акс эттирувчи тамойилларни белгилашга хизмат қилади.

Педагог шахсига қўйиладиган талаблар асосида унинг моделини ишлаб чиқишда олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида белгилаб берилган қўйидаги ҳолатлар асос учун қабул қилинди:

- **педагогнинг фаолият соҳалари:** таълим; бошқарув.
- **педагогнинг фаолият турлари:** ўқув; методик; тарбиявий; ташкилий; илмий (раҳбарлик); кадрлар билан ишлаш; тадбиркорлик; экспертлик ва бошқалар.
- **педагог фаолият юритувчи муассасалар:** мактагача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; мактабдан ташқари таълим; таълимни бошқариш органлари.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ШАХСИ МОДЕЛИ

1. ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ИЖТИМОИЙ БУЮРТМА

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва асарлари
4. Педагог шахсини шакллантиришда умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятли қадриятлар

2. ШАХСИЙ СИФАТЛАР

1. Сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданият
2. Маънавий камолоти
3. Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик
4. Диний бағрикенглик (толерантлик) маданияти
5. Экологик билим ва маданият
6. Соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданият
7. Иқтисодий билим, кўникма ва малакалар

3. КАСБИЙ СИФАТЛАР

1. Мотивацион сифатлар
2. Интеллектуал салоҳият
3. Иродавий сифатлар
4. Ҳиссий сифатлар
5. Амалий кўникмалар
6. Ўз-ўзини бошқара олиши

ПЕДАГОГ

4. АМАЛИЙ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК

1. Педагогик-психологик тайёргарлик, машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш маҳорати
2. Тарбиялашнинг усул ва воситаларини эгаллаганлик
3. Мустақил ва ижодий ишларни ташкил этиш
4. Ўзлаштириш мониторингини амалга ошириш
5. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш
6. Хорижий тилларни ўзлаштириш
7. Ўз-ўзини касбий ривожлантириш

Педагог шахсига қўйиладиган талаблар мазмуни асосланди ва уларнинг ҳар бирига тавсиф берилди.

1. Педагог кадрларга қўйиладиган ижтимоий буюртма

Давлат ва жамият ривожининг ҳар бир босқичи шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизими олдида муайян ижтимоий буюртмаларни қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълим тизими олдида ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаган ва пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик билимларга эга, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш билан боғлиқ ижтимоий буюртмалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва асарларида жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш тамойиллари ўз аксини топган. Жумладан, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисолада таълим тизими олдида қуйидаги буюртмалар қўйилган:

ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитишни самарадорлигини ошириш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;

ўқув-услугий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўқув жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлашни амалга ошириш;

миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида ёшларнинг маънавий ва ахлоқий сифатларини ривожлантириш;

ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя ва мафқурани сингдириш, таълим муассасаларида мафқуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;

таълим беришнинг барча даражаларида таълим олувчиларни ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиеник таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш;

юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш, таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, педагогларнинг касбий нуфусини ошириш, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

педагог кадрларнинг мафқура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар эволюцион тарзда таълим тизимининг янги мазмун касб этишини таъминлади, илғор ғояларни ўзида намоён этувчи таълимий қадриятлар шаклланди. Умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятли қадриятлар педагог шахсини тарбиялашга хизмат қилиши, унинг кадр-қимматини ошириши, шахс омилининг таълим-тарбия жараёнларининг етакчи субъекти ва объекти сифатида тан олиншини таъминлаши, унда ижодий фикрлаш, шунингдек, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериши билан аҳамиятлидир. Бинобарин, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишга бўлган эҳтиёж ривожланаётган ҳамда янгича ижтимоий муносабалар қарор топаётган мавжуд шароитда янада долзарб хусусият касб этади.

Давлат таълим стандарти таълимнинг зарур, етарли даражада ҳамда ўқув юкламалар ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талаблари ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашни белгилаб берувчи мезон бўлиб, у “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва асарларида белгилаб берилган вазифалар ҳамда педагог шахсини шакллантиришда умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятли қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, давлат таълим стандартларида касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, бўлажак мутахассислар касбий шаклланиш жараёнининг субъекти сифатида иштирок этишининг педагогик шарт-шароитлари, механизм, метод ва технологиялари белгилаб берилган.